



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 10 апрель, № 72 (8695)

Чоршанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8-9 апрель кунлари Жиззах вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни Зарбдор туманида Жиззах вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чоратадбирлари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу мулоқот Рамазон ҳайити арафаси-

да ўтаётганига урғу бериб, халқимизни ушбу улуғ айём билан табриклади.

Лекин ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, долзарб масалалар ҳам бор. Айрим туманларда аҳолини барқарор иш ва ойллик билан таъминлайдиган ўрта корхоналар кам.

Шу боис, ташрифдан олдин, иқтисодий комплекс вакиллари туманларни чуқур ўрганиб, вилоятда 57 минг иш ўрни яратиш имкониятларини ча-

малади. Умуман, Жиззахнинг 13 та туманида иқтисодиётга туртки берадиган 100 та имконият ва захира аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар! Аввало, муқаддас динимиз буорган ибодат ва амалларни муборак Рамазон ойида чин дилдан, ихлос билан адо этиб, бугун ҳайит айёмини катта шоду хуррамлик билан қутиб олаётган сиз, азизларим, юртимиздаги жамки мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изхор этаман.

Шундай саодатли дамларга етказгани учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар бўлсин!

Ифторлик ва эҳсон маросимлари ўтказилгани ҳам тасдиқлайди. Айниқса, 25 март оқшомида Наманганда Фаргона водийсидаги учта вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирокида ўтказилган, бутун мамлакатимиз маҳаллаларини камраб олган ифторлик маросимлари кўп миллатли Ўзбекистон халқини бамисоли бир дастурхон атрофида бирлаштириб, ушбу ойга хос эзгу фазилатларнинг яна бир мужассам ифодаси бўлди.

Сидқидилдан қилган дуо ва ниятларимиз, эҳсон ва амалларимизни Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул айласин!

Кутлуг Рамазон кунларида бир гуруҳ ула-моларимиз хоржий мамлакатларга бориб, ватандошларимизга халқимизнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказиб, уларни ислом маърифатидан баҳраманд этганлари айниқса эътиборга сазовордир.

Нуронийлар, диний-маърифий соҳа вакиллари, кўп миллатли дўстлик жамиятларининг намунали ҳамкорлиги ва уларнинг "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасидаги фаол иштирокларини алоҳида мамнуният билан қадрлаймиз.

Бу йилги Рамазон шариф кунларида ана шу қадриятлар ҳаётимизда янада ёрқин намён бўлди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар динимизнинг асл муқаддаслигини, унинг олийжаноб гоё ва тошунчалари билан уйғун ва муштарак эканини барчамиз яна бир бор чуқур ҳис этдик.

Хурматли дўстлар! Янги Ўзбекистонда юртимиздаги барча миллат ва конфессия вакиллари учун виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, янги масжидлар барпо этилмоқда, улуғ алломалар, азиз-авлиёларимизнинг қадамжолари обод қилинмоқда, миллий ва диний қадриятларимиз тикланмоқда. Муборак Ҳаж ва Умра зиёратлари учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Яратганининг раҳмати ва мағфирати зиёда бўлиб турган ушбу мунаввар лаҳзаларда хорийдаги юртдошларимизни, узоқ ва яқин давлатлардаги барча мусулмон умматини Рамазон ҳайити билан сидқидилдан муборакбод этамиз.

Пок ниётлар ижобат бўладиган ушбу ойда диёримиз мусулмонлари диний амалларни эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. Беморлар, ногирон ва кекса инсонлар, кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд қатламларга меҳр ва эътибор янада кучайди. Буни биргина мисол, яъни кўмакка муҳтож инсонлар учун 20 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам курсатилиб, маҳалла ва хайрия ташкилотлари томонидан барча ҳудудларимизда

Хеч шубҳасиз, бу борадаги ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Бунинг учун ҳозир дунёда юзага келган гоёт мураккаб ва тахликали вазиятда диёримиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраб, янада ҳамжихат бўлиб, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш зарурлигини, уйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Илоҳим, барча эзгу ниётларимиз амалга осин! Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни па-ноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЕТАКЧИЛАРИ БИР-БИРИНИ РАМАЗОН ҲАЙИТИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 9 апрель куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас Рамазон ҳайити билан бир-бирини самимий табрикладилар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Бутун ислом уммати учун муқаддас Рамазон ойи ва муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хоржий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан табриқномалар келмоқда.

Мамлакатимиз етакчисига йўлланган қутловларда хоржий ҳамкорлар Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик, фаровонлик ва равақ тилакларини изхор этиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан бўён ҳам ҳар томонлама ривожлантириш ва мустақамлашга интилишини билдирмоқда.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриқларини йўллаган: Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд; Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси Мухаммад ибн Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд; Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоёв; Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Назарбаёв; Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров; Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон; Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов; Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов; Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев; Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган; Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси; Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий; Бирлашган Араб Амириклари Президенти Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён; Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактум; Бирлашган Араб Амириклари Вице-президенти, Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазири Шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён; Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний; Қатар Давлати Амири ўринбосари Шайх Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний; Кувайт Давлати Амири Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ; Марокаш Подшоҳи Мухаммад VI; Бахрайин Подшоҳи Шайх Ҳамад бин Исо Ал Халифа; Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II; Ўмон Султони Ҳайсам бин Ториқ Ал Саид; Сурия Араб Республикаси Президенти Башар Асад; Ироқ Республикаси Президенти Абдуллатиф Жамол Рашид; Бруней Доруссалом Давлати Султони Ҳасанал Болкиях; Фаластин Давлати Президенти Махмуд Аббос; Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хусайн Иброҳим Тоҳа; Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омурлиев; Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Хурсав Нозирий; Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукру Пошшозода.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Шуқуқ

ҲАЙИТ ҒАЗАЛИ

Ҳаётни Сен ҳаёт этган умидларда муборак эт,
Ўғил-қиз, оналар ҳам мўсафилларда муборак эт.
Саю эт тилларини ҳам Саловат эт, Таборак эт,
Азизу авлиё азмин муридларда муборак эт.
Мунаввар эт Жалолддин жалолу-ла кўнгилларни,
Фариқддин каби фазли фариқларда муборак эт.

Дуолар айлағай бир эл, ду толе калитидир,
Бу эл мушқуларин шундай калитларда муборак эт.
Саодатлик бу қуларда сабоҳатлик, саодатлик
Сатрларни Сирожиддин Саййидларда муборак эт.
Синовлар, ранжу захматлар аро берган шу умрингни
Илоҳи, барчамизга ийд — ҳайитларда муборак эт.
Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИ

Халқимизнинг эзгу қадриятлари жуда кўп. Хусусан, йиқилганни суяш, билмай хато қилганни ёки қилмишидан пушаймон бўлганларни кечириб, уларга яна имкон бериш халқимизга хос бағрикенглик фазилатларидандир. Муҳими, ушбу ўлмас қадриятларимиз маъно-мазмунни юртимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳиятига ҳам кўчмоқда. Ҳамма нарса инсон ва унинг манфаатлари учун тамойили асосида олиб борилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин мисолидир.

Муносабат

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Президентимиз томонидан "Ҳазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармоннинг

имзоланиши бу борадаги эзгу ишларнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Негаки, бу ҳужжат улуғ кунларда қанчадан-қанча инсонлар қалби ҳамда хонадонига рўшнолик, қувонч ва шодлик олиб кирди. Уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Ахир оила тўлиқ бўлишидан, озодлиқ шуқудан ортиқ бахт борми дунёда?!

Ў.А.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚАТОР ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

Ийгилишда бу Зарбдор тумани мисолида кўрсатиб ўтилди. Масалан, тумандаги тижорат банклари маҳаллий тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиб, фаолиятини кенгайтиришга қўмаклашди. “Зарбдор текстиль” корхонаси қувватлари оширилади. “Ривож давр” фермер хўжалиги аҳолига бўлиб берилган ерларда қовун етиштириш ва уни қайта ишлаш орқали 28 миллион доллар экспорт қилишни режалаштирган.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилояти иқтисодиётини ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларни маълум қилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги имкониятлари катта. Лекин экспорт учун етарли маҳсулот йўқ. Шу боис экинларни кўпайтириш бўйича янгича тизим жорий қилинади.

Хусусан, банklar ўзига бириктирилган 309 та маҳаллага лидер тадбиркорларни топади. Улар орқали аҳолига томорқада даромад топиш учун молиявий хизмат тўплами қилиб берилди. Бунинг учун банklar лидер тадбиркорларга айланма учун 3 йил муддатта 1,5 миллиард сўмга кредитлар ажратди, бюджет ҳисобидан агроном қилиб жўлатиш, маҳаллада йиғиш, саклаш ва қуриш пунктларини ташкил қилиш учун 1 миллиард сўмга грант беради, “Оилавий тадбиркорлик” дастуридан 33 миллион сўмдан, “Бизнесга биринчи қадам” дастуридан 17 миллион сўмдан кредит ажратади.

Туманларда биттадан яхлит контур танаб олиниб, жами 500 гектар майдонда бир хил маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Арнасойда 16 центнердан кам ҳосил олинаётган ерлар лотларга бўлиниб, мева-сабзавот экадиганларга тақлиф қилинади.

Буларнинг натижасида вилоятда мева-сабзавот етиштириш ҳажмини икки йилда 2 қарра ошириб, 3 миллион тоннага, кейинчалик 5 миллион тоннага олиб чиқиш имконияти бор. Бу қайта ишлаш ва экспортни ҳам 2-3 баробар оширишга замин бўлади.

Вилоятда касаначилик асосида асаларичиликни ривожлантириш учун имконият ҳам, тадбиркорлар ҳам бор. Масалан, ўрмон хўжалиги ерларига асалари қўтиларини жойлаш орқали мингта оиланинг бандлигини таъминлаш, 50 миллиард сўм қўшимча даромад олиш, 2 миллион доллар экспортга чиқариш мумкин. Шу боис Зомин туманида асаларичилик маркази ташкил қилиш, қўти ва жиҳозлар ишлаб чиқариш, асални қадоқлаб, экспортга юбориш вазифалари белгиланди.

Янгибод туманидаги лалми ерда оқибёз етиштириш, қуришти, қадоқлаш ва музлаткичли омборхона қамраб олган кластер ташкил қилиш тақлифи қўлаб-қувватланди. Чорвачилик, балиқчилик ва иссиқхона хўжалиги учун қўлайликлар ҳам айтиб ўтилди.

“Жанубий Мирзачўл” ва “Туюртар” каналларини бетонлаш, насослар ўрнатиш қишлоқ хўжалигидаги имкониятларини янада кенгайтиради. Мутасаддиларга бу борада уч йиллик дастурни амалга ошириш бўйича топшириқ берилди.

Саноат ривожини учун ҳам заҳиралар кўп. Масалан, хитойлик инвесторлар Жиззахда қурилиш материаллари, кимё, энергетика, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларида 4 миллиард долларлик 22 та лойиҳа тақлифини билдирган. Уларнинг натижасида саноат 12 триллион сўмга ўсади,

250 миллион доллар экспорт имконияти яратилади.

Бунинг учун Зомин туманида саноат технопарки ташкил этилиб, 1 миллиард доллар хорижий инвестиция ҳисобига 50 та янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Зарбдор туманининг Шодлик маҳалласида “Жиззах” саноат зонаси филиали очилиб, 140 миллион долларлик 15 та йирик лойиҳа жойлаштирилади. Шароф Рашидов туманидаги бўш турган ишоотда саноат зонаси ташкил қилиниб, электротехника ва чарм саноати бўйича корхоналар ишга туширилади.

Сўнгги йилларда Жиззахда автомобилсозлик вужудга келди. Келгуси уч йилда 1 миллиард доллар инвестиция ҳисобидан унинг қувватини яна 100 мингтага ошириб, 10 мингта иш ўрни очиб, маҳаллийлаштириш даражасини 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди. Пахта-тўқимачилик тармоғида 220 миллион долларлик 29 та лойиҳа амалга оширилиши айтилди.

Электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчи “Моно электрик” корхонаси касаначилик асосида кўзи ожиз инсонларни иш билан таъминлаш ташаббуси билан чиққан. Давлатимиз раҳбари ушбу ташаббусни қўлаб-қувватлаб, бу борада Жиззах тажрибасини йўлга қўйиш, шундай касаначилик лойиҳаларини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Айдар-Арсасой кўллари тизимида сайёҳлар учун шароит яратиш, 10 та маданий мерос масканида “туризм халқиси” ташкил этиб, уларга элтувчи йўллари ташкирлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ийгилишда уй-жой ва маҳалла инфратузилмасини яхшилаш масалаларига ҳам

эътибор қаратилди. Бу йил вилоятда 4 минг 500 хонадонли 118 та уй-жой қуриш режа қилинган.

Талаб юқори туманларда қўшимча уйлар қуриш, Жиззах шаҳридаги перинатал марказ ва кўприқларни таъмирлаш бўйича курсатмалар берилди.

Умуман, Жиззахда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, бизнесни қўлаб-қувватлаш, грантлар ажратиш учун қўшимча 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Ийгилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят ва туман ҳокимлари, вазирлар аҳборот берди. Видеолоқа орқали хориждаги элчилар ва туманлар жамоатчилиги билан мулоқот бўлди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Зарбдор туманидаги Лалмикор маҳалласида бўлди.

Бу ерда 3 минг 700 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Маҳалла обод қилинган, йўл четлари ва бўш майдонларга “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчатлар экилган.

Маҳалла деҳқончилиги ва чорвачиликка иқтисослаштирилган. 668 та хонадоннинг барчасида томорқа бор. Шунингдек, аҳолига деҳқончилик қилиш учун 126 гектар ер ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартдаги қарорига асосан томорқа ва деҳқон хўжалиқларида янги заҳираларни ишга солиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш чоралари кўриломоқда.

Давлатимиз раҳбари шу борадаги ишларни кўздан кеңиди.

Жумладан, маҳаллада резавор мева-лар етиштириш бўйича ўқув майдони таш-

кил этилган. Бу ерда маймунжон, ҳўжагат, голутика қўчатлари ўстирилиб, томорқаларда экилади. Хосилга киргач экспортчилар томонидан сотиб олинади.

Президентимиз томорқа эгаларига бу меваларни сифатли етиштириш илмини ўргатиш муҳимлигини таъкидлади. Бу лойиҳани кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш учун томорқа эгалари билан банklar ўртасида ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Зомин туманидаги “Jizzax Organic” чорвачилик кластери фаолияти билан танишди.

Умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган бу лойиҳа беш йил олдин ишга туширилган. Йирик мажмуада очиб ва ёпиқ ишоотлар барпо этилган.

Биринчи босқичда Европа давлатлари ва АКШдан “Ангус”, “Герфорд” насли 4 минг бош қорамол, Австралиядан “Дорпер” зотли 2 минг бош насли кўй келтирилган.

Мамлакатимизда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари — гўшт ва сут мўл ҳамда арзон бўлишида мана шундай мажмуаларнинг аҳамияти катта. “Jizzax Organic” кластери ўн минг бош қорамол, тўрт минг бош кўй етиштириш қувватига эга. Йилга беш минг тоннагача гўшт етиштирилади. Бу ерда 750 киши доимий ишлайди.

Корхонада барча иш жараёни рақамлаштирилган. Экин ерларининг 1 минг 300 гектарига сув теҳовчи технологиялар жорий этилган. Бу ишлар учун Австралия, Германия ва АКШдан замонавий ускуналар келтирилган. Умуман, кластерда қиймати ўн миллион долларлик 200 га яқин техникалар бор. Яна бир муҳим жи-

ҳати, бу ерда селекция ва генетик ишлар учун ҳам имкониятлар бор.

Озуқа етиштириш учун 12 минг гектар ер ажратилган. Охириги ўн йиллар мобайнида фойдаланилмаган ерларнинг унумдорлигини тиклаш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Бунинг учун органик ўғитлар бериш, алмашлаб экиш тадбирлари аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига кластернинг янги лойиҳа ва режалари ҳақида аҳборот берилди.

Қайд этилганидек, 28 миллион доллар сармоа эвазига йилига 20 минг тонна сут ва 5 минг тонна гўштни қайта ишлаш кўзда тутилган. Яна 2 минг гектарда ёмғирлатиб суғориш орқали озуқа етиштирилади.

Чорвачиликда насл масаласи долзарб аҳамиятга эга. Лекин аҳоли боқадиган чорванинг зотдорлиги 10 фоиз атрофида. Шунинг учун сунъий уруғлантиришни кенгайтириш, маҳаллий насларни яхшилаш зарур.

Шуни ҳисобга олиб, кластер томонидан Зомин, Зарбдор ва Янгибоддаги 15 та маҳаллада “Ангус” зотли қорамолни кўпайтириб, сотиб олиш тизими йўлга қўйилди.

Банklar орқали маҳаллаларга бериладиган молиявий хизматлар тўпламида чорвачиликни ҳам назарда тутиш, озуқа емни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Жиззах вилоятига ташир-фи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АВВАЛОВ, Абдуқалол ҚАЙМОВ, Ўза мухбирлари.

Бундай катта кўламдаги қурилишлар ҳеч қачон бўлган эмас

Сир эмаски, кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ишловат ва янгиланишлар жараёнида ишлаб чиқариш қувватлари ишга тушмоқда, уй-жой ҳамда муассасалар қурилиб, қишлоқ ва кентларимиз обод бўлаётди. Инсоннинг бахтли ва тўқис ҳаёт кеңириши учун нимаки керак бўлса, муҳайё қилинмоқда.

Акс садо

Бундай янгиланишлар Жиззах вилоятида ҳам жадал кечяпти. Президентимизнинг ушбу ҳудудга амалга оширган ташрифи асосида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Яқингача Фориш дейилганда, асосан, адир ва ялловлар тушунилар, йирик саноат корхоналари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Бундан етти йил аввал туманга илк саноат кириб келди, яъни “Basalt Uzbekistan” кластери ташкил этилди ва Олмоссий қонидан базальт тошини қазиб олиб, ундан тола тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда ноёб, инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган арматура ва сетка (тўрлар) ишлаб чиқарилимоқда.

Едингизда бўлса, давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг январь ойида бу корхонага ташриф буюриб, унинг фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотлар турини кўпайтириш юзасидан зарур курсатмалар берган эди. Шу асосда тошмал олинмайдиган конлар ўрганилди ва Германия, Франция, Италия, Чехия каби давлатлардан илгор технологиялар олиб келинди. Натижада мана шу йирик кластер дунёга келди.

Президентимиз бу галги ташрифи домида кластерда тайёрланаётган тошмалар ва табиёр маҳсулотлар билан танишди. Бугун мазкур кластерда йилга 177 минг тонна базальт тошдан маҳсулот, директ ролинг, фибра, арматура, композит геосетка, қувурлар, мато

ва иссиқлик-изоляция плиталари сингари 42 турдаги маҳсулотлар тайёрланаётгани эътиборга молик. Биргина ўтган йилнинг ўзида 554 млрд. сўмлик 45 минг тонна маҳсулот тайёрланди, АКШ, Англия, Польша, Италия, Чехия, Грузия, Россия, Туркия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистонга экспорт қилинган.

Корхона муваффақиятларидан нафақат кластерда меҳнат қилаётган 1 минг 700 дан ортиқ кишилар, балки бутун вилоят аҳли манфаат кўрапти, десак, муболага бўлмайди. Негаки, у ривожлангани сари бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳам мутаносиб равишда кенг қулоқ ёзмақда. Эндиликда кластер жамоаси ўз маҳсулотларини коммунал хўжалиги, автотранспортчилик, тўқимачилик, нефть-газ ва бошқа соҳаларда қўллаш устида иш олиб бораётди. Бу иш муваффақиятли бўлиши учун, Президент табири билан айтганда, маҳсулотлар афзалликларини тадбиркорларга тушунириш ниҳоятда муҳим.

Давлат раҳбари вилоятга ташрифи домида Шароф Рашидов туманида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида бўлиб, бу ерда олиб борилаётган кенг микёсли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Галнинг очиги, вилоят тарихида бундай катта кўламдаги қурилишлар ҳеч қачон бўлган эмас. Биргина охириги йилларнинг ўзида ўнлаб заводлар ишга туширилди, янги саноат тармоқлари очилди. Бу эса табиий равишда муносиб ижтимоий инфратузилмани талаб этади.



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Қурилиш жараёнларига тўхталсак, туманининг бу ҳудуди адирлардан иборат бўлиб, деярли фойдаланилмаган. Ҳозир бу ерда умуман бошқача манзарани кўриш мумкин. Наҳд гектардан иборат майдонда жадал қурилиш кетаяпти. Лойиҳа уч босқичли бўлиб, 936 хонадонли 105 та кўп қаватли уй барпо этилиши режалаштирилган. Улар 9, 12 ва 16 қаватли бўлиб, бу ҳам Жиззах шароитида янгилик.

Биринчи босқич доирасида 204 хонадонли 4 та кўп қаватли уй, марказий қозонхона, шорум ва ички йўллар қурилган. Яна 16 та турархона, мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, савдо маркази барпо этилган. “Инно техно парк” эса аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиб келаётган.

Сўз юритилаётган лойиҳанин иккинчи ва учинчи босқичлари 2026 ва 2028 йилларга мўлжалланган. Эътибор беринг, ушбу босқичларда уйлардан ташқари маҳалла маркази, поликлиника, масжид, меҳмонхона, болалар ва спорт ўйингоҳлари, “Янги Ўзбекистон” боғи барпо этилиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, ён-атрофдаги бўш майдонлар ишга тушди ва хибобларга айлантирилади.

Президент томонидан бу йил режалаштирилганга қўшимча равишда янги уйлар қуриб, имтиёзли ипотека кредитлари асосида аҳолига қўлай нархда

берилш тақлифи илгари сурилдики, бу эса бунёдкорлик қўлами ва суръатини янада ошириши ўз-ўзидан тушунарли. Чунки янги уй-жой дегани, шунга мос инфратузилма тармоқлари, мактаб, болалар боғчаси каби ижтимоий муассасалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари ҳам очилишини аналтади.

Жиззахда бундай массивлардан учтаси қурилаётганини ҳисобга олсак, вилоят ростақамига улкан қурилиш ҳудудига айланганини тасаввур этиш қийин эмас. Табиийки, бундай улкан бунёдкорлик ишлари шунга мос энергетика заҳирасини тақозо қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида ташкил этилган саноат ва энергетика лойиҳаларига бағишланган маросимда бу алоҳида тилга олинди. Зеро, саноат ривожига барқарор энергетика боғлиқ экани барчага аён.

Бугун мамлакатимизда бу икки соҳа мутаносиб ривожлантирилмоқда. Биргина 2023 йилнинг ўзида юртимиз бўйича 4 600 та саноат корхонаси иш бошлади. Умумий қуввати 2,4 гигаватт бўлган 7 та йирик иссиқлик, қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Қолаверса, 14 млрд. долларлик хорижий инвестициялар ҳисобига 12 гигаваттлик 31 электр станцияси

барпо этилмоқда. Бу йил Навоий, Бухоро, Наманган, Тошкент ва Қашқадарёда 2,6 гигаватт қувватлар тармоққа уланади. Умуман, муқоабил энергетикани ривожлантириш ҳисобига жорий йилда “Яшил” энергиянинг генерациядаги улуши 30 фоизга етади.

Жиззах вилоятида ҳам бундай лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Биргина мисол: Фориш туманида Хитойнинг “China Poly Group” ва “China Electric” компаниялари билан ҳамкорликда кўш электр станцияси қуриш режалаштирилган. 350 млн. долларлик ушбу мажмуа 500 мегаватт қувватга эга бўлади. Унда йилга 1,1 млрд. кВт-соат “Яшил” энергия ҳосил қилинади. Бу 450 минг хонадоннинг энергия таъминоти яхшиланади, деганидир. Яқин йилларда эса Шароф Рашидов, Фориш ва Фаллаорол туманларида ҳам 1 660 мегаваттлик иссиқлик, шамол ва қуёш электр станциялари қурилади.

Хуллас, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик юмушлари ҳамда янгиланиш жараёнлари олиб бориляпти. Булардан кўзланган мақсад ягона — халқимиз бахтли ва тўқис ҳаёт кеңириши учун зарур қўлайликларни яратиш.

Ишонимизки, Президентимизнинг вилоятга ташир-фи асосида бу сафарги ашриги, ана шу жараёнда илгари сурилган фойлар ва ташаббуслар Жиззахликларга янги куч-қувват бағишлаб, бунёдкорлик суръатига суръат қўшади. Бу эса биз, сенаторлардан ҳам жараёнлар ичиде бўлишимизни талаб этишини яхши тушунади.

Рисқул СИДДИҚОВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН ИФОДАСИ

Фармондан келиб чиқадиган бўлса, Конституцияимизнинг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин қўнғилдан тўлаётган бўлган ва тузалиш йўлига қафий ўтган 426 нафар шахс афв этилди. Агар уларнинг 135 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилган бўлса, 200 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди. Бу ҳали ҳаммаси эмас, яна 26 нафарнинг озодликдан маҳрум этиш жазоси энгилроғи билан алмаштирилди, 65 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатлари қисқартрилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, афв этилганларнинг орасида чет эл фуқаролари, хотин-қизлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, ёшлар, тақиқланган ташки-

лотлар фаолиятида қатнашган шахслар ҳам бор.

Эзгу амал шулар билан тугамайди. Яъни афв этилган шахсларнинг оиласи ва яқинлари бағрига қайтиши, ижтимоий ҳаётга мослашиши ҳамда саломатлигини тиклаши, фойдали меҳнат билан шугулланиши учун шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилади. Бунга масъул ташкилот ва идоралар аллақачон саъй-ҳаракатларни бошлаб юборган.

Умуман, Президентимизнинг мазкур Фармони жамиятда инсонпарварлик таъмоийли мустақамланиши, улуг кунларда ҳар биримизни эзгуликларга рағбатлантириши билан янада аҳамиятлантириши.

Қутбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Янгийўл тажрибаси барча ҳудудда жорий қилинади

Хабар бериб бораётганимиздек, хотин-қизларни касб-хунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича республика ишчи гуруҳи Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида янгича ёндашувлар ва тизим асосида иш олиб бораётган. Асосийси, туман тажрибаси намуна сифатида барча ҳудудда жорий этилиши кўзда тутилган.

Ташаббус

Жараёнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида Сенат Раиси, ишчи гуруҳ раҳбари Танзилла Норбоева ушбу туманга ташриф буюрди.

Бугун ҳудудларда томорқадан унумли фойдаланган ҳолда икки-уч мартадан ҳосил олиб, яхшигина даромад кўраётган оилалар сони кўпайиб бормоқда. Билъакс, бошқа жойларда бўлгани каби Янгийўл туманида ҳам томорқа имкониятларидан фойдаланмаётган хонадонлар йўқ эмас.

Уларга томорқачиликнинг сирасорларини ўргатиш, ҳар томон-

лама қўмак кўрсатиш мақсадида Янгийўл туманида Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа эгаларини қўлаб-қувватлаш жамғармаси таъсисчилигида “Томорқачиликни ривожлантириш миллий маркази” МЧЖ ташкил этилган.

Сенат Раиси марказга ташриф буюриб, унинг аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш имкониятлари билан яқиндан танишди. Марказ илмий ва инновацион фаолиятини самарали ташкил этиш орқали аҳолига томорқа ер участкаларидан йилгига камиди уч марта ҳосил олишга қўмаклашиб келмоқда. Бу ерда томорқачилик йўналиши бўйича малака ошириш ва қайта

тайёрлаш курслари ҳам фаолият олиб бораётган.

Марказда тикувчилик, ошпазлик, IT саводхонлиги курслари мавжуд. Бу ерда 2023 йилда 365 хотин-қиз ўқитилган бўлиб, уларнинг 248 нафари ўзини ўзи банд қилишга эришди. Сенат Раиси ўқув курсларини битирган аёлларни тикув машинаси ва керамик жиҳозлар билан таъминлаш, ҳудуддаги тадбиркорларга бириктириш орқали бандлигига эришиш бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди.

Айни чоғда бир бинода жойлашган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш маркази фаолият қўздан кеңирилди. Бу ерда оила қуриш оstonасида турган ёшларга турмушда зарур бўлган билим ва тушунарлар берилляпти.

Шу ернинг ўзида ўқув курси домида бирламчи зарур маълумотларни эгаллаган бир гуруҳ ёшларга сертификатлар топширилди.

«Халқ сўзи».

Депутатлар боғлари барпо этилмоқда

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсуми доирасида барча ҳудудда турли манзарали ва мевали кўчатлар экилмоқда. Ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракциялари аъзолари ҳам фаол иштирок этипти.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси — амалда

Хусусан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги “Кўшқўрғон” МФЙда мазкур лойиҳа доирасида дарахт кўчатлари экиш ақцияси ўтказилди.

Жиззах вилоятида ҳам бундай лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Биргина мисол: Фориш туманида Хитойнинг “China Poly Group” ва “China Electric” компаниялари билан ҳамкорликда кўш электр станцияси қуриш режалаштирилган. 350 млн. долларлик ушбу мажмуа 500 мегаватт қувватга эга бўлади. Унда йилга 1,1 млрд. кВт-соат “Яшил” энергия ҳосил қилинади. Бу 450 минг хонадоннинг энергия таъминоти яхшиланади, деганидир. Яқин йилларда эса Шароф Рашидов, Фориш ва Фаллаорол туманларида ҳам 1 660 мегаваттлик иссиқлик, шамол ва қуёш электр станциялари қурилади.

Хуллас, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам кенг қўламли бунёдкорлик юмушлари ҳамда янгиланиш жараёнлари олиб бориляпти. Булардан кўзланган мақсад ягона — халқимиз бахтли ва тўқис ҳаёт кеңириши учун зарур қўлайликларни яратиш.

Ишонимизки, Президентимизнинг вилоятга ташир-фи асосида бу сафарги ашриги, ана шу жараёнда илгари сурилган фойлар ва ташаббуслар Жиззахликларга янги куч-қувват бағишлаб, бунёдкорлик суръатига суръат қўшади. Бу эса биз, сенаторлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Халқимиз манфаатларининг ҳуқуқий асоси ва кенг имкониятлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат, хайру саховат, маънавий поклини айёми бўлиб келётган муборак Рамазон ойи бу йил юртимизда ўзгача шукҳ ва ҳамжиҳатлик билан ўтказилгани эътироф этилиб, давлатимиз раҳбарининг қуни кеча "Муборак Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилингани ва унинг аҳамиятига эътибор қаратилди. Яна бир муҳим ҳужжат — бир гуруҳ маҳкумларни Рамазон хайити арафасида афв этишига қаратилган Фармоннинг имзолангани ва унда тегишли вазифалар белгилаб берилганига тўхталиб ўтилди. Шунингдек, ҳар йили 9 апрель — йирлик давлат арбоби, кучли марказлашган давлат асосчиси, илм-фан, маданият ҳомийси, соҳибқирон Амир Темури таваллуд топган кун мамлакатимизда кенг нишонлиб келинаётгани, буюк саркарда ҳаёти ва фаолияти ёшларда ватанпарварлик туйғулари юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шундан сўнг мажлисда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари атрафлича муҳокама қилинди.



Солиқ муносабатларида ҳуқуқий маком белгиланади

Мажлисда "Юридик шахс макромига эга бўлмаган касабга уюшмалари ташкилотларининг солиқ муносабатларида аниқ ҳуқуқий маком белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 127-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда амалиётда юридик шахс макромига эга бўлмаган касабга уюшмаларнинг бўлинмалари ва бошланғич касабга уюшмалари ташкилотлари томонидан махсус банк ҳисобварақларини очиб қилинган бўлиши мавжуд. Чунки ушбу ҳисобварақларни очиб ва уларда қонун пул маблағларини тасарруф этиш учун солиқ тўловининг идентификация рақами (СТИР) мавжуд бўлиши зарур.

Мажлис қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексига адлия органларида ҳисобга қўйилган, юридик шахс макромига эга бўлмаган касабга уюшмаларнинг бўлинмалари ва бошланғич касабга уюшмалари ташкилотларида солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш имкониятини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, киритилаётган ўзгариш билан қўшимчалар касабга уюшмаларнинг бўлинмалари ва бошланғич касабга уюшмалари ташкилотларининг фаолиятининг тўлақонли амалга оширилишини, шунингдек, касабга уюшмалари ташкилотлари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатлари самарали ҳимоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ўзбошимчилик билан қурилган уй-жойлар масаласи мунозараларга сабаб бўлди

Ўзбошимчилик билан эгаланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган қурилган уй-жойлар бўлган ҳақиқатда, ер участкасини ўзбошимчилик билан эгалаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Лойиҳада фуқаролар томонидан ортиқча эгаланган ер участкасига, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидagi тураржойлар эгалаган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Шу билан бирга, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар эътироф этилган тақдирда, ер участкасини ўзбошимчилик билан эгалаб олган шахсларнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиниши қўзғалди.

Қонун лойиҳасининг моддама-модда кўриб чиқиш чоғида бир қатор саволлар ўртага ташланди. Жумладан, депутат Донёр Фаневнинг лойиҳа 12-модда 1-қисмини лингвистик жиҳатдан кўриб чиқишга оид тақлифи атрафлича ўрганилди. Узоқ торттишлардан сўнг ушбу модда таҳрири тўзатилади киритилди. Депутат Уктам Исмолов қонун лойиҳасининг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталиб, у аҳолига, тадбиркорлик субъектларига янги имкониятлар яратишини таъкидлаб

ўтди. Аини чоғда мавжуд имкониятлардан нотўғри мақсадда фойдаланиш ҳолатлари келажакда кузатилмаглиги учун 32-моддага қўшимча банд киритишни илгари сурди. Қонун ташаббускорлари мажмур масала юзасидан асосланган тушунтиришлар берди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзбошимчилик билан эгаланган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқини ҳамда уларда қурилган уй-жой, бошқа бино ва иншоотни қўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқини расмийлаштириши учун ҳуқуқий асослар яратилишига хизмат қилади.

Депутатлар мажмур ҳужжат жойларда аҳоли орасида кўпроқ тушунтирилиши керак бўладиган қонунлардан бири эканини таъкидлаб, масбул қўшимчага Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу ҳужжат тартиботини кенг жамоатчилик ўртасида ташкил этиш бўйича тақлифлар берди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Марказий банк киберхавфсизлики таъминлашга доир ваколатлар берилмоқда

"Киберхавфсизлики таъминлаш соҳасидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Бугунги кунда мобил банк тизимлари фуқаролар ва ташкилотлар ҳаётининг турли соҳаларига кириб, молиявий ва бошқа хизматларни тақдим этишининг янада илғор шакллари ва усулларига айланган. Шунга қарамай, рақамлаштиришнинг глобал кенгайиши фондида киберхавфсизлик динамикасида сезиларли ўсиш кузатилиб, республика кибермақони контурларида, айниқса, кредит, молиявий ва банк секторларида потенциал хавфлар ва заифликлар кўпаймоқда. Ўз навбатида, бу каби ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мажлисда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Марказий банк тўғрисидаги, Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги бир қатор қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонун кредит, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг ва кредит биржасининг фаолиятида киберхавфсизлики таъминлаш билан боғлиқ нормалар билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, энди "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 54-моддасига муювофиқ банк ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизлики таъминлаш бўйича қонунчилик талабларининг бузилганини қўпол қоидабузарликлар қаторига киритилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга таъйирлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган тақлифлардан келиб чиқиб, лойиҳанинг айрим нормалари қайта таҳрирлангани ва тўлдирилгани қайд этилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Худудлар бош ражаларини ишлаб чиқиш тезлашди

Мажлисда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви ва

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодексига Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожлантиришни режалаштириш бoш тархи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар худудларини ривожлантиришни режалаштириш тарҳлари каби шаҳарсозлик ҳужжатларининг янги турлари киритилмоқда.

Шу билан бирга, бoш тарҳи ва худудий тарҳларни тасдиқлаш ҳамда мунтазам равишда тақомиллаштириш бoриш бўйича устувор йўналишлар, Ўзбекистон Республикаси худудини ривожлантиришни режалаштириш бoш тарҳида аҳолини ва ишлаб чиқариш қуларини жойлаштириш тизимини давлат томонидан тартибга солиш асослари белгиланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасига ривожлантиришни режалаштириш тарҳларини тасдиқлаш ҳамда мунтазам равишда тақомиллаштириш бoриш бўйича устувор йўналишларни белгилаш, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига шаҳарларнинг бoш режаларини соддалаштирилган кўринишда ишлаб чиқишда лойиҳалаштириш топширини бериш каби ваколатлар берилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши шаҳарсозлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тақомиллаштириш, шаҳарсозлик ҳужжатларининг янги турларини ишлаб чиқишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, худудларнинг бoш режаларини ишлаб чиқиш жараёнини тезлаштиради.

Муҳокамада қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга таъйирлаш жараёнида депутатлар томонидан берилган тақлифлар иши гуруҳ йиғилишларида чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг аксарият қисми матнда эътиборга олинганлиги алоҳида қайд этилди. Қонун лойиҳаси депутатлар тақлифи асосида янада пишқиқ-пухта ҳолатга келтирилиб, маромига етказилгани таъкидланди.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Пиротехника буюмлари муомаласида давлат назорати кучайтилади

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185-моддасида пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташшиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда республикамизга олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Аммо санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун бир турдаги жазо назарда тутилган бўлиб, бунда ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан йигирма бараваригача даражада жарима солиниши белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жазо тайинлаш чегаралари аниқлаштирилиши лозим.

Мажмур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга пиротехника буюмла-

рининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни ҳуқуқбузарликнинг хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилашни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг профилактика инспекторларига мажмур маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомаларни расмийлаштириш ваколатини бериш тақлиф этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали пиротехника буюмлари муомаласида давлат назоратини амалга ошириш учун ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари жалб этилиши мавжуд амалиётнинг бир қанча хусусиятларини ижобий томонга ўзгарилади. Натижада пиротехника воситаларининг муомаласи соҳасида давлат назоратини кучайтириш, улар ноқонуний айланганини олдини олиш, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини ҳамда мол-мулкни сақлаш, шунингдек, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар самардорлигини оширишга эришилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — муҳофазада

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий асосида ишлаб чиқилган — қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар муҳофазасини самарали ташкил этишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Маълум қилинганideк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридagi Агрoсаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Мажмур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим нормаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни Агрoсаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга оид ваколатлари белгилаб қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар муҳофазасининг самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

Вазирга парламент сўрови юборилди

Мажлисда депутатлар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ва вазир Б. Зокировга "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чикари бoриш соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" Қонунчилик палатасининг парламент сўровини бoриш ҳақидаги масалани кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, қуйи палата депутатлари томонидан "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чикари бoриш тўғрисида"ги Қонун ижроси ҳамда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чикари бoриш соҳасида олиб бoрилаётган ишлар ҳолати назорат-таҳлил тартибидa ўрганилганда йўналишда амалга оширилаётган ишлар масалалар ҳам мавжудлиги аниқланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасидaги ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чикари бoриш тизимларини ривожлантиришни бoш схемаси бугунги кунгача ишлаб чиқилмаган.

Шунингдек, стандарт талабларига кўра, ичимлик сувининг сифати 47 турдаги кўрсаткичлар билан аниқлиниши назарда тутилган бўлса-да, аксарият ичимлик суви таъминоти ташкилотлари лабораторияларга эга эмас.

2021-2022 йилларда эса амалга оширилган лoзим бўлган 30 га ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чикари бoриш лoйиҳаси бўйича қурилиш ишлари тегишли маблағлар ахратилган бўлишига қарамай, ўтган йилнинг охирига қадар яқунланмаган.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувлари чикари бoриш соҳасидаги лoйиҳаларни якунига етказиш борасида қўрилаётган чоралар, истеъмoлчиларга масoфадa маълумoт узаувчи замoнавий сув ҳисoблагичлар ўрнатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бeриш ҳақида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир Б. Зокировга парламент сўрови юборилди.

Мажлисда, шунингдек, Савдо-саноат палатаси фаолиятини тақомиллаштириш, коммунал тўловларни суд орқали ундиришда қўлайликлар яратишга қаратилган қонун лoйиҳалари ҳам атрафлича кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Фикр

Рамазон ойида юртимизга Аллох таолонинг раҳмати янада зиёда ёғилади. Мўмин-муслмонлар субҳида сахарали дастурхони атрофида жам бўлиб, дуолар қилинади. Файзли оқшомларда эса ифторликлар қалбларни сурурга тўлдирди, ҳамжиҳатликда таровеҳ намозлари адо этилади.

Юртимизда жорий Рамазон ойининг ҳам гоят хушнудлик билан ўтгани кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир, десак, хато эмас. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қарори қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар қўрилиши юртимиздаги мўмин-муслмонларга кўрсатилган эътиборнинг яна бир ифодасидир. Айниқса, ушбу айёмларда дам олиш кунларининг кўпайтириб бeрилаётгани халқимизни яна ҳам хурсанд қилиб, байрамни қариндошлар, дўсту оғайнилар билан муносиб тарзда ўтказишга имкон яратмоқда.

Мана шундай ишларнинг узвий давоми сифатида кунги кеча Президентимизнинг "Муборак Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорда белгиланган муҳим вазифалар муборак айёмни янада мазмуни ўтказиш учун шароит ҳозирлади. Бу эса хайитнинг юрти-

мизда кўтаринки руҳда ўтишига асосий омил бўлмоқда.

Қайд этиши кeрт, Рамазон ойида аксарият юртдошларимиз рўза тутиш билан бирга, савоб амалларни кўпроқ бажаришга интилади. Ота-оналар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшилар, кексалар, устозлар, беморлар ва муҳтожларнинг кўнгли олинди. Имконияти борларнинг эҳтиёжмандларга ҳуммати бeланд бўлди. Аллох таоло фарз қилган закотлар адо этилди, фитр садақаси ҳамда фидьялар берилди.

Қўтлуг ойида 2 мингдан зиёд масжидларда таровеҳ намози ўқилди, 1600 дан ортиқ жомеаларда 3 мингдан зиёд қорилар таровеҳ намозида Қуръони каримни хатм қилди. Муҳлис халқимиз Ҳақ таоло Каломига сомеъ бўлди.

Масжидларда Қуръони карим хатмонлари Рамазон ойининг 27 санаси — Қадр кечасида яқунланиши янада файзу баракати бўлди. Ушбу тартибни жорий қилишдан мақсад юртдошларимизнинг Қуръони карим тиловатидан кўпроқ баҳраманд бўлишидир. Шу орқали ўлкаимиздаги аскар масжидларда Қадр кечасида жалланган мўмин-муслмонларимиз бир пайтнинг ўзида ҳам дуо, ҳам илтижо, ҳам Ҳақ таолога муножат қилдилар.

Аллох таоло қўтлуг ойида халқимиз ҳаётида қўллаб қўлай ишларни насиб этди. Хусусан, бу йилги Моҳи Рамазонда халқимиз қувонч билан эслаб юрадиган воқеликлардан бири мамлакатимиз бўйлаб

ўтказилган ифторликлар ва Наманган вилоятидаги эҳсонда Президентимизнинг иштирок этганидир. Ушбу оқшомда юртимизнинг барча ҳудудида, вилоят, шаҳар ва туманлардаги маҳалла гузарларда ифторлик дастурхонлари ёзилиб, ёши улуг, нуруний ва мўйсифидларнинг дуолари олинди. Шунингдек, Юртбошимизнинг ташаббуси билан ногиронлиги бор, эҳтиёжманд оиналар, Меҳрибонлик, Саховат ва Муруват уйларида яшаётган кишилар ҳолидан хабар олинди, уларга ифторликлар уюштирилди, ҳадылар улашилди. Меҳрга муҳтож кўнглилар шод этилди. Албатта, бундай хайрия ташаббусларида саховатли инсонлар ва фаол имом-хатибларимизнинг жонбозлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Рамазон хайити ислом динининг учинчи рукни бўлиши рўза ибодатини адо этиш муносабати ила нишонланган катта қувончли воқеадир. Йилду Фитрни дунё муслмонлари қатори юртимиз аҳли ҳам катта шодийна ва хурсандчилик ила ўтказди. Ушбу кун Яратган эгамнинг раҳмати Ер юзига ёғиладиган, қалблар завқланган, руздорларга ажрлар бeриладиган ажойиб фурсат.

Яратган Парвардигор бутун дунё муслмонларига Рамазон хайити байрамини муборак айласин, бутун оламга тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида қабул қилсин, она Ватанимизни янада обод, халқимиз ҳаётини фаровон айласин!

Муҳаммадқолим МУҲАММАДИҚОВ, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари.

Хайрли амаллар билан юксалиш сари

Давлат ва жамият ҳаётида юксалиш, ривожланиш жараёнлари кўп жиҳатдан миллатнинг миллий хусусиятларини кўрсатувчи қадриятлар, эзгу анъаналар, ислом дини, унинг маърифий гоғларидан баҳрамандлик туйғуси билан белгиланади. Чунончи, хайру саховат, эзгулик ва яхшиликлар улашиш, бунёдкорлик, тинчлик ва ҳамжиҳатликка интилиш, илму маърифатга ошнолик, руҳий поклик, гўзал сифатлар ила умргузаронлик қилиш каби ахлоқий фазилатлар асрлар даврида юксак цивилизацияларни юзага келтирган ислом динининг ҳаётбахш гоғлари саналади.

Мушоҳада

Бугун ана шундай ҳаётбахш гоғлар асосида ўз тараққиёт стратегиясини белгиланган янги Ўзбекистон маънавий-маърифий соҳа ривожига ислом динининг юксак маърифий гоғларидан озиқланиб, амалий ишларида истифода қилиб келмоқда. Шу жиҳатдан, ислом қадриятларининг жамиятимиз миллий хусусиятлари, халқ маънавий олами инсонпарварлик, хотиржамлик, меҳр-оқибат, хайру саховат, бунёдкорлик, бағрикенглик, аҳдлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик каби эзгу анъаналари асосида кириб бoриши юртимиз ҳаётида кўтаринкилик, ўзгача шукҳ туйғулари билан бахш этилди.

Юртимизда минтақамизнинг буюк муҳаддис, фақиҳ, калом, мутаасавиф олимлари меросининг ўрганилиши, тадқиқ этилиши дунё илм аҳлида катта таъқиқ, юксак эътирофни юзага келтирляпти. Хусусан, 2023 йил ноябрь ойида Термиз шаҳрида ташкил этилган "Имом Бухорий, Доримий ва Термизий: муҳаддисликнинг Мовароуннах мактаби" мавзусидаги халқаро илмий конференция иштирокчиларидан бири, Шаржа университетини профессор, Дубай улуғомлар кенгаши аъзоси Шайх Абдулхамид Ал-Ансининг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: "Термиз муслмон дунёсининг машур шаҳарлари каби абадийга муҳланган, у ҳар биримиз доимо зиёрат этишни оруз қиладиган бебаҳо маскан сифатида қалбимизда яшаб келмоқда. Айниқса, ушбу муборак шаҳардан етишиб чиққан алломалар меросидан бутун муслмон олами фойдаланган келётгани маълум ва машҳурдир. Ўзбекистоннинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарларида қуёш каби нур таратиб, тарбия топган улуг зотларнинг асарларини Дубай, Қоҳира, Истанбул ва дунёнинг бошқа ўлкаларида дарслик сифатида ўқиймиз ва улардан маънавий озуқа оламиз. Бугун дунёимизда келаятган кескинлик ва зиддиятлар асосида юртимизда маънавий меросни асраш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ".

Жамиятимизда соғлом диний муҳитни сақлаш, асл манбаларга таянган ҳолда алломаларимиз илмий меросини тадқиқ этиш орқали ботил ва турли адашган оқимларга раддиялар бeриш, ёшларга соф ислом таълимини етказиш, буюк аждоқларимиз асарларидаги Ватанга муҳаббат, илм олиши тарғиб, ота-онага эъзоз ва эҳтиром сингари улуг гоғларини кенг жамоатчиликка етказиш каби маъ-

рифий тадбирларни ташкил этиш Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказининг ҳам асосий фаолият йўналишларидан бири этиб белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда ёшларда соғлом мафқурани шакллантириш, уларни алломаларимизнинг бой маънавий мероси асосида умуминсоний гоғлар руҳида тарбиялаш мақсадида 300 дан ортиқ мактаб ва олий ўқу юрталарида "Жаҳолатга қарши — маърифат", "Термизийлар авлодимиз" шiorлари остида маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказилди. Янги китоблар нашр қилинди.

Халқаро алоқаларни кенгайтириш мақсадида ўндан ортиқ олий ўқу юрталари билан ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди. Хорижий давлатларга хизмат сафарлари уюштирилди, бир қатор халқаро тадбир ва учрашувлар ўтказилиб, олимлар билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Умуман олганда, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий ва Термизий алломаларининг бeназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш марказимиз фаолиятининг асосини ташкил этади. Шунингдек, муҳаддис юртимиз азал-азалдан улуг алломалар

УЛУҒ САЛТАНАТ АСОСЧИСИ, ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА АДОЛАТ ҲОМИЙСИ

Дунё тарихида жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин улар орасида қадами теккан жойини обод қилгани, элини масрур ва мамнун этгани кам топилади. Буюк аждодимиз Амир Темур тарихга ўз номини ана шундай маърифатли ҳукмдор сифатида қолдирган улуг сиймолардан биридир. Шу боис аҳли жаҳон неча асрлар ўтса-да, тенгсиз саркарда, улкан марказлашган салтанат асосчиси, илм-маърифат ва адолат ҳомийси бўлган Соҳибқирон номи ҳамда хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келади.

Эҳтиром

Ана шундай эъзоз ва эҳтиром Амир Темур таваллудининг 688 йиллиги тadbирларида яна бир бор ифода топмоқда. Пойтахтимизда ўтказилган "Буюк Соҳибқиронга эҳтиром" номли тантанали тadbирда давлат ва жамоат арбоблари, сенатор ҳамда депутатлар, олимлар, адабиёт ва санъат намояндалари, ҳарбийлар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари қатнашди.

Тантана иштирокчилари дастлаб Амир Темур хибонидидаги жаҳонгир бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Тadbирда Соҳибқироннинг бектор шахсияти, ибратли ҳаёт йўли, бебаҳо моддий ва маънавий мероси халқимизга гурур-ифтихор бағишловчи, руҳини кўтарувчи, ғайрат-шижоатини оширувчи, юксак маънавий куч берувчи бекиёс тимсол экани таъкидланди.

Шу боис юртимизда Амир Темур ва темурийларнинг миллий давлатчилик тутумлари, илм-фан, санъат ва маданиятни юксалтириш, бунёдкорликни кенгайтириш борасидаги ишлари кенг ўрганилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан жойларда "Темурбеклар мактаби" фаолияти йўлга қўйилгани ёшларимизни мардлик, азми қатъийлик, жасорат, ватанпарварлик, адолатпарварлик руҳида воғда етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳарбий қисмлар, шу йўналишдаги таълим муассасаларида "Темур тузуқлари"нинг ўқитилаёт-



гани Соҳибқирон бобомизга муносиб авлодни тарбиялашга хизмат қилаяпти.

— Амир Темур сиймоси нафақат халқимиз, балки бутун маърифатли дунё учун ибрат ва ифтихор тимсоли, — дейди академик Дилором Юсупова. — Чунонки, улуг тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" китобида улуг саркарда сифатларига доир шундай қайдлар бор: "Йигирма беш ёшида ҳиммат этагига элик уруб, тўққуз йил уруб, кўб ишлар қилиб, салтанат амрига машғул бўлди. Барча ишни йалғуз қилиб, гаҳи раъй ва тadbир билан, гаҳи қилич зарби билан иш қилур эрди. Ва мундоқ ишларким, ул қилди, ҳаргиз ҳеч киши қилмағондур..." Демак, буюк аждодимиз салтанатни бошқаришда фақат қилич зарбига эмас, ақл ва адолат кучига, донолар маслаҳатига таянган. Бу-



гун юртимизда йўлга қўйилган халқ билан мулоқот тизими улуг Соҳибқирон тутумларига ҳамоҳангдир.

Марказий ҳарбий округ кўмондони, полковник Фаррух Зиябоев Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан таъсис қилинган "Амир Темур жанговар байроғи" мукофоти Ватан ҳимоячиларининг ҳарбий жанговар тайёргарлиги ва юксак маънавий салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Тadbирда Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавуқуллода ва муҳтор элчиси Олган Бекар, супер ўрта вазн тоифаси WBA йўналишида жаҳон чемпиони Исроил Мадримов Амир Темурнинг жаҳон дипломатияси, давлатчилик асосларини шакллантириш, илм-фан, маданият ривожини йўлидаги улкан хизматлари хусусида гапирди.

Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон

халқ артисти Ёдгор Саъдиев Миллий театрга саҳналаштирилган "Адолат фасли" спектаклидан Амир Темур монологини ифодали ўқиди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид ҳамда "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари "Соҳибқирон авлодимиз" шеърини биргаликда ўқиб берди.

Тантанали тadbирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси — Спичрайтер Хайриддин Султонов иштирок этди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 688 йиллиги тadbирлари буюк аждодимиз туғилган Қашқадарё воҳасида, салтанати пойтахтига айланган Самарқанд шаҳрида, умуман, мамлакатимизнинг барча ҳудудиди, ўқув даргоҳлари, ҳарбий қисмлар, музейлар, ижодий ташкилотларда, кутубхоналарда анжуманлар, давра суҳбатлари, турли маънавий-маърифий кечалар шаклида кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Дилшоқ КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

Абдумуталлиб ТҲИЙИРОВ олган суратлар.

Бугун — Абдулла Қодирий таваллуд топган кун

МИЛЛАТ ҚАЛБИДАГИ БАРҲАЁТ СИЙМО

Ватан озодлиги ва раънақи, миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиши ва маънавий юксалиши йўлида жон фидо қилган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди. Абдулла Қодирий халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган ана шундай улуг сиймолардан биридир.

Ўтган йилнинг октябрь ойида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ТУРКСОЙ ташкилоти экспертлари йиғилишида улуг ўзбек ёзувчиси, миллий романчилик мактаби асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан 2024 йил ташкилот доирасида "Абдулла Қодирий йили" деб эълон қилиниб, ушбу санани кенг нишонлашга оид тadbирлар режаси белгиланган эди.



Айни пайтда улуг адиб таваллудининг юбилейи санаси муносабати билан уюштирилаётган турли тadbирлар еш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, китобсеварликни тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Адабий-бадиий, маънавий-маърифий тadbирларда фан, санъат, маданият арбоблари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари масъуллари, талаба ва ўқувчилар қатнашяпти. Иштирокчилар томонидан ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб хотирасига эъзоз-эҳтиром кўрсатилмоқда, ҳаёти ва ижоди ёдга олинмоқда. XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчиликнинг асосчиси бўлган Абдулла Қодирий асарлари асосида театр актёрлари томонидан турли саҳна кўринишлари намойиш этилаётди.

Абдулла Қодирий яшаб ижод қилган хонадон бундан беш йил муқаддам уй-музейга айлантирилган бўлиб, бу даргоҳ адабиёт ихлосмандлари, ижодкорлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари, Абдулла Қодирий ижод мактаби ўқувчилари билан қамшига гавжум бўлади. Улкан адибнинг ижодий мероси еш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу уй-музей давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги санаси муносабати билан очилган эди. Бу ерда имкон қадар ўша давр муҳитини сақлашга ҳаракат қилинган. Уша пайтда ўз даврининг ижодкор зиёлилари, адабиёт мухлислари шу хонадонда тез-тез йиғилиб туришган.

Абдулла Қодирий бу уйда 1937 йилгача, яъни шўро

жаллодлари уни сохта тухматлар билан ҳибсга олган давргача яшаган. Энг қизиғи, бобом бир кун келиб бу тухматлар, бошига ёғилган балолар фош бўлиб, ҳақиқат қарор топишига ишонган. Лекин у миллатни уйғотишга, халқнинг кўзини очишга қаратилган асарлари қачондир ўз умрига зомин бўлишини тасаввур ҳам қилмаган.

Ўз даврида илгор фикрли инсонлар, зиёлилар томонидан "миллат кўзгуси" деб эътироф этилган Абдулла Қодирий ўз асарларида XIX асрдаги Туркистон тарихини ишончли ёритишди, ўзбек халқи ҳаётининг асл образларини тиклайди, давр камчиликлари ва муаммоларини жасорат билан танқид қилади.

2019 йилда уй-музейга қўшимча тарзда кутубхона, конференция, кўрғазма заллари қурилди. Кутубхонада 20 мингдан зиёд китоблар мавжуд бўлиб, бу ерда улуг адибнинг илк асарлари нашр этилган газет ва журналлар, дастлабки китоблари, бошқа тилларга ўғрилган асарлари ҳам ўрин олган. Уй-музейга кираверишда "Ўткан кўнлар" ва "Меҳробдан қаён" китобларининг илк нашри муқоваси суратларига кўзингиз тушади. Ҳовли деворларига Қодирий ижодига оид ўзбек ва жаҳон адибларининг фикрлари битилган. Унинг ўртасига Абдулла Қодирийнинг салобатли ҳайкали ўрнатилган.

Бугун улуг адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб тadbирлар олиб борилмоқда, диссертациялар ёзилапти. Пойтахтимиздаги Адиблар хибонидида адабиётимиз даргаларига чукўр ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ўрнатилган ёдгорликлар қаторидан унинг салобатли ҳайкали жой олган. Абдулла Қодирий мемориал музейи, унинг номи билан юртилувчи ижод мактаби ташкил этилди. Ёзувчининг номига

қўйилган институт фаолият юритаётди. Асарлари турли тилларга таржима қилинмоқда.

2024 йилнинг март ойи бошларида Мисрнинг оммабоп "Ал-Сақафа ал-Жадида" журналида Қоҳирадаги Айн Шамс университети профессори Мухаммад ал-Жибалининг "Абдулла Қодирий — ўзбек адабиётининг йирик намояндаси" сарлавхали мақоласи чоп этилди. Унда Мухаммад ал-Жибалининг Қодирийнинг ҳали кўпчилик билмаган ижод қирралари, унинг ўзбек мумтоз адабиёти дурдоналаридан бири сифатида эътироф этиладиган "Ўткан кўнлар" романи ҳақидаги муҳим маълумотларни муштарийлар эътиборига тақдим қилган.

Мақола муаллифи Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида ва бутун жаҳон цивилизацияси тараққиёт тарихида катта ўрин тутиши, бу заминда жойлашган Самарқанд, Бухоро ва Қўқон каби шаҳарлар асарлар давомида минтақадаги энг йирик ва нуфузли цивилизациялар бешикларидан бири, жаҳон таълим марказлари бўлиб келгани ҳақида фикр юритади.

Бугун буюк адиб орзу қилган озод Ватанда яшаймиш. Абдулла Қодирий яшаган бу кўтлуг даргоҳ эндиликда ёзувчи-шоирлар, адабиёт мухлислари, маданият ва санъат намояндалари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёзувчининг қариндошлари, авлодлари, талабалар, ўқувчилар, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар интилади-гани мақсади айланди.

Ўз асарлари билан абдиёта дахлдор мактаб яратган улуг ижодкорнинг порлоқ сиймоси миллатимиз қалбидида ҳамisha яшаси муқаррар.

Хондамир ҚОДИРИЙ, Абдулла Қодирий уй-музейи раҳбари, адибнинг невараси.

АЙЁМНИ ОИЛАМ БАҒРИДА ЎТКАЗЯПМАН

Халқимиз ҳайит кунларида муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, мушкул аҳволга тушиб қолганларга мададкор бўлиш, эҳтиёжмандларга меҳроқибат кўрсатишни одат қилган. Шундай муборак кунларда адашган кишиларнинг афв этилиши ана шу эзгу ва хайрли амалларга тўлиқ ҳамоҳангдир.

Дил сўзи

Гап шундаки, адабиёт, билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолганларданман. Бундан 3-4 йил муқаддам қилмишимга яраша етти йилга озодликдан маҳрум қилинган эдим. Панжара ортида камчиликларини тушуниб етиб, кўпгина ҳаётий сароблар чиқардим. Мамлакатимиздаги инсонпарварликка йўғрилган адолатли сиёсат туфайли мен каби ҳаётда адашган, билиб-билмай жонот содир этган бўлса-да, хатосини тушуниб, чин кўнгилдан пушаймон бўлганларга нисбатан давлатимиз раҳбарининг муборак Рамазон ҳайити муносабати билан эълон қилинган афв этишга оид Фармонида кўра, муддатидан олдин жазодан озод этилдим. Қадрдон оилам бағрига қайтдим. Ростини, ҳеч ҳам кутмаган эдим. Ҳозир қувончим, ҳаяжонимнинг чеки йўқ. Айтиш мумкинки, бу оиламиз аъзолари учун

ҳақиқий байрам туҳфаси бўлди — муборак кунларда мени интизор кутган яқинларимнинг бағри тўлди. Буни юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида қилинаётган ишларнинг ёрқин ифодаси, деб биланам ва Президентимизга ўзимнинг чексиз миннатдорлигимни билдирман.

Қамоқда ўтган ҳар бир куним менга озодлик, тинчлик, хузур-ҳаловатнинг нақадар қадрли эканлигини аниқлади. Айниқса, ўз оилам, яқинларим, тинч ва фаровон жаҳит бағрида яшашдан улгуроқ неъмат йўқ экан.

Давлатимиз раҳбари берган имкониятдан фойдаланиб, билдирган ишончларини оқлайман. Бундан буюн бошимдан ўтказганларимдан тегишли хулоса чиқарган ҳолда, мамлакатимиз ривожини йўлида амалга оширилаётган ислохотларга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Боймирза АБДУҲАҚДОВ. Самарқанд вилояти

Тиббий кўрик

«БОР МЕҲРИМИЗ ШУ ВАТАН, ШУ ХАЛҚ УЧУН!»

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан Жиззах вилоятида "Бор меҳримиз шу Ватан, шу халқ учун!" шиори остида тиббий кўриклар ташкил қилинди.

Икки кун давом этган кўриқнинг биринчи кунини сақизта, кейинги кун яна бешта ҳудудда тажрибали кардиолог, эндохринолог, онколог, невропатолог, травматолог, хирург, гинеколог, отоларинголог, педиатр сингари мутахассислар аҳоли саломатлигини назоратдан ўтказиб, маслаҳатлар беришди.

— Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 29-оилавий поликлиникада куннинг биринчи ярмида 500 нафардан зиёд аҳоли келиб, ўз саломатлигини текширувдан ўтказди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Шаҳноза Эҳурова. — Улардаги ана шу фаолликнинг ўзи ҳам кишилар ўртасида тиббий маданиятнинг нечоғли ўсиб бораётганидан далолатлар. Биз мазкур тиббий кўрик натижаларига кўра соғломлаштириш режаларини тузиб, даволашни жойи ва мутахассисларни ҳам белгилаб берамиз.

Аҳолига соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, зарарли одатлардан воз кечиш, жисмоний фаолликни ошириш, мактаб ёшидаги болалар учун "Тоза кўл", "Соғлом тишлар" мавзуларида оммавий тарғибот ишлари ҳам олиб борилди.

Саид Донишев («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 14 540 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Ташкилотида келган кўлаблар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлари берилгани учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаъобгар.

Газета ташкилоти компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоҳ Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Иброҳимов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6